Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

20 4-йил чиқиши АВГУСТ 1969 й. ЧОРШАНБА № 194 (958) БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ШАҲРИМИЗНИНГ БИР КУНИ

САНЪАТ КУНИ

Бугун

шаҳардаги завод ва фабрикалар, муассасаларнинг мажлислар зали гўё театрларнинг саҳналарига айланиб кетди. Жуда кўп санъат коллективлари томошабинлари ҳузурида меҳмон бўлдилар. Навбатдаги санъат куни қизғин ва жозибали ўтди.

Қардош Россия Федерациясида бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасининг қатнашчилари ҳам тошкентлик ишчи - хизматчиларга ҳисобот концерти бердилар. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбек Давлат филармониясининг «Лазги» ансамбли, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров бошчилигидаги эстрада коллективи, халқ филармониясининг рубобчилар ансамбли концертлари ҳамшаҳарларимиз да катта таассурот қолдирди. Улар Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводида, тўқимачилик комбинати, «Ташкенткабель» заводида томошабинларни ҳушиуд этдилар.

Санъат кунида 30 дан ортиқ ҳаваскорлик коллективлари ҳам қатнашди.



«Учқун» тўқимачилик галантерея фирмаси ишчилари ўртасида ленинча меҳнат вахтаси ой сайин кенг ривож топмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг ёш илғор тўқувчиси Дилором Аҳмаджонова. У беш йиллик топшириқларини муддатидан анча илгари бажаришга аҳд қилган.

КОМСОРГЛАР СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Мактаб комсомол ишларини янада яхшилаш мақсадида икки йилдан буён пойтахтда мактаб комсомол ташкилотлари секретарларининг зонал семинар-кенгаши бўлиб ўтмоқда. Якшанба куни Абдулла Набиев номидаги шаҳар пионерлар уйида мактаб комсомол ташкилотлари секретарларининг навбатдаги семинар кенгаши ўз ишини бошлади. Бу кенгашда республикамиз областларидан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларидан 300 дан ортиқ йигит-қиз қатнашмоқда.

Бугун

зонал семинар-кенгаш қатнашчилари секцияларга бўлиниб, комсомол ва пионер ишларини янада такомиллаштириш, таълим-тарбияда комсомолларнинг фаоллигини ошириш ҳақида фикрлашмоқдалар.

Мактаб комсомол етакчиларининг бу қизиқарли учрашуви 29 августгача давом этади.

● Тошкент—жаҳонга

ҚУДРАТЛИ КРАНЛАР

Бугун

«ПОДЪЕМНИК» ЗАВОДИ ҚАРДОШ МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА БИТТА КРАН ЖЎНАТДИ. БУ ҚУДРАТЛИ МЕХАНИЗМ 10 ТОННАГАЧА ЮК КЎТАРАДИ.

Корхона ана шундай кранларни яқинда Корея Халқ Демократик Республикаси, Жазоир, Сурия ва бошқа мамлакатларга ҳам жўнатди. Ҳозирги пайтда Тошкент кранларини сотиб олаётган мамлакатлар сони 22 тага етди.

Шу кунларда завод адресига турли давлатлардан келгуси йил учун буюртмалар кела бошлади.

● Мамлакат—Тошкентга

БРЕСТДАН СОВҒА

Бугун

«БРЕСТДАН ТОШКЕНТГА» ДЕГАН ЁЗУВ БИЛАН ШАҲАР ТОВАР СТАНЦИЯСИГА ИККИ ВАГОН КЕЛДИ. БУ ВАГОНЛАРДА ЭЛЕКТР ТИКУВ МАШИНАЛАРИ БЎЛИБ, ҲАММАШАҲАРЛАРИ М И З ВА РЕСПУБЛИКА МЕҲНАТКАШЛАРИГА ТОРТИҚ ҚИЛИНАДИ.

Шунингдек, кунига кеча РСФСРнинг Субботница шаҳридан Ўзбекистон аҳолиси учун трикотаж буюмлари келган эди. Бу эса эркаклар, аёллар, болалар учун кузги-қишки ниссиқ ҳамда чиройли жемпер, рўмол ва бошқа кийимлардир. Яқинда бу буюмлар савдо ташкилотларига чиқарилади.

● Қурилиш майдонларида

15 ТА ЯНГИ УЙ

Бугун

«Крупнопанельжилстрой»-трестининг уйсозлари Чилонзор массивининг жанубий-ғарбий томонида яна бир янги квартал қурилишини бошладилар.

«В-15А» деб аталган бу кварталда 15 та уй бунёд этилиб ишга туширилади. Бинокорлар шу йил охиригача тўртта уй қуриш ниятидалар.

Кварталда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш пунктлари ҳам бунёд этилади.

НАВОИЙГА ҲАЙКАЛ

Бухоро областидаги улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири А. Навоий номи билан аталган социалистик шаҳар ой сайин гўзаллашиб боряпти. Яқинда шаҳарнинг марказида улуғ шоирнинг улкан ҳайкали ўрнатилади.

Бугун

ЛЕНИНГРАДДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИГА ЖОЙИБ ХАБАР КЕЛДИ. ҲАЙКАЛ НИҲОЯСИГА ЕТКАЗИЛГАН.

Талантли ҳайкалтарош Борис Свинин ўзбек мутафаккирининг ёрқин образини яратган. Ҳайкал рангдор тошдан ўйиб ишланган. У яқинда Ленинграддан олиб келинади.



Тошкентдаги «Средазгипропроект» лойиҳа институтининг бир группа лойиҳачи архитекторлари Чилонзорда қуриладиган 2 қаватли мева ва сабзавот маҳсулотлари магазини лойиҳасини тайёрладилар. Яқинда бу магазин қурилиши бошланади.

СУРАТДА: янги магазин лойиҳаси архитектори А. Фрейтаг [чапда] ва бош конструктор В. Грачев ўртоқлар магазин лойиҳаси устида ишламоқдалар.

● Янгиликлар адреси:

ЯНГИ АППАРАТ

Шаҳар тез медицина ёрдами станциясининг 1-подстанциясига янги аппарат келтирилди.

Бугун

«Алтай» номли ана шу янги аппарат санитария машинасига ўрнатилди. Аппарат орқали бевосита машинанинг ичидан касалхонага телефон қилинади.

Бу усул орқали оғир беморларга тезда медицина ёрдамини кўрсатиш мумкин. Ҳозирча 7 та подстанция бу қулайликдан фойдаланади.

● Ярмарка тараддуди

ЧИННИСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Шу йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида Москвада Халқаро саноат ярмаркаси ўтказилади.

Бугун

чинни буюмлари заводида ана шу ярмаркага юбориладиган маҳсулотларни тайёрлашга киришилди. Чиннисозлар бу улкан кўргазмага 200 комплект ўзбек миллий буюмларини юборишади. Чойнак, пиёла, кўза, лаган, коса ва бошқа идишлар шулар жумласидандир.

● *Билим—оммага*

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҲУЗУРИГА

Республика пахта далаларида шу кунларда мўл ҳосил етиштириш учун қизғин кураш давом этяпти. Пойтахтлик олимлар ҳам бу ишдан четда қолмаётирлар. Улар деҳқонлар ҳузурига ташриф буюришиб, шу кунниинг янгиликлари, халқаро темаларда қизиқарли суҳбатлар ўтказишяпти.

Бугун

РЕСПУБЛИКА «БИЛИМ» ЖАМИЯТИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАРИХ ФАНЛАРИ КАНДИДАТИ М. КАМОЛОВ РАҲБАРЛИГИДА БИР ГУРУҲ ПОЙТАХТЛИК ОЛИМЛАР СИРДАРЁГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ. Олимлар чўлқуварларга Москва, Ленгашининг якунларига доир ва Халқаро аҳвол тўғрисида лекциялар ўқийдилар, суҳбатлар ўтказадилар.

ФОЙДАЛИ ТАКЛИФ

Трактор йиғув заводи конструкторлар бюроси ходимлари «Т28Х4» маркали пахта териш машинасининг конструкциясини яратишди. Ҳозир заводда бу конструкцияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёргарлик кўриляпти.

Завод рационализаторларидан А. Аненков, Л. Пеньков, А. Ионов ва Н. Шевченколар трактордаги бурилиш валининг самарадорлигини ошириш борасида ихтиро яратишди. Ҳозиргача бу ихтиро ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, 67200 сўм иқтисод қилинди.

Ўқув йили тараддуди

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

«Партия XXI съезди» массиви аҳолиси болалари учун қад кўтарган иккита мактаб, бу йил сентябрдан уларни ўзига чорлайди. Бу эса болаларнинг узоқ мактабларга қатнашидан халос этиб, уларнинг яхши ўқишларига барча имкониятларни яратади.

Бугун

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 46-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ БИНОКОРЛАРИ БОЛАЛАРГА СОВҒА ҚИЛИНАЁТГАН ИККИ МИНГ ЎРИНЛИ ИККИТА МАКТАБ БИНОСИНИ ҚУРИБ БИТКАЗГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИДА РАПОРТ БЕРИШДИ. МАКТАБЛАР АТРОФИ ТЕКИСЛАНИБ, СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИ ТАХТ ҚИЛИНДИ.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

«Шимолий-Шарқ» массивида қад кўтараётган яна бир ҳашаматли мактаб биноси болаларнинг ҳавасини келтира бошладик.

6-қурилиш трестининг азаматлари 1500 ўринли ана шу мактаб биносида сўнгги пардозлаш ишларини олиб боряпти-лар. Бинокорларнинг аҳди билим даргоҳини 1 сентябрга туҳфа қилишдир.

Бугун

янги мактаб биносида ўқув йили учун синф ва кабинетларни жиҳозлаш ишлари бошланди.

Шаҳримиз янгиликлари


МЕБЕЛЛАР «УЙИ»ДА

Чилонзордаги мебель уйи яқинда очилган бўлишига қарамай, аҳолига яхши хизмат кўрсатмоқда. Бу ердан бир-биридан чиройли, тиниқ рангли ҳар хил мебеллар сотиб олиш мумкин.

Магазинда ошхона, ётоқхона, меҳмонхона, ўқишхоналар учун жуда мос мебеллар кўргазмаси ташкил этилди. Айниқса, Хива, Қайроқкум шаҳарлари ва Эрон, Арабистон каби чет мамлакатларда тўқилиб магазинга келтирилган чўдек гиламлар кишининг ҳавасини келтиради.

Биз билан суҳбатда мебель уйи директори Яҳё Иброҳимов бундай деди:

Биз мебелсозлардан сифатли маҳсулотлар олиб турибмиз. Айниқса, «Шарқ», «Ватан», Олмалиқ, Янгийўл корхоналарида ишланган маҳсулотларнинг бозори чаққон. Куни-кеча Олмалиқдан келтирилган икки вагон мебель қисқа муддатда сотиб бўлинди. Магазинимизда аҳолининг талабини бажо келтириш мақсадида маҳаллий мебеллар буюртма столи ташкил қилдик.





СУРАТЛАРДА: совғалар бўлимининг сотувчилари Қутби Мақсудова билан Мавлуда Аҳмедовалар харидорларга муомала қилишяпти.

Пастдаги суратда «Шарқ» фирмасининг маҳсулотлари.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

САВДО ХОДИМЛАРИ ЙИҒИЛИШИ


Яқинда шаҳарда давлат савдо ходимлари ва истеъмол кооперацияси ходимлари касаба союзларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда савдо ташкилотларида савдо маданиятини ошириш ва келгусида янада яхшилаш чоралари тўғрисида қизғин фикр алмашувлар бўлди.

КЎЧА НОМЛАРИ

Студентлар шаҳарчаси атрофида Ленин номли Давлат университети, Политехника институти ўқитувчилари ва хизматчилари янги тартибда участкалар қуришяпти.

Бугун

янги массив кўчаларига янги номлар берилди. Массивдаги кўчалар Ҳиндистоннинг атоқли шоири Мирзо Ғолиб, Калинин номли колхознинг собиқ раиси, колхоз тузилишининг жонбозларидан бири Ҳайитбой Тошмуҳамедов, медицина фанлари доктори, хирург Вали Жумаев номлари билан аталадиган бўлди.



СУРАТДА: революция хиёбонидаги «Нилуфар» кафеси.

У. Шоҳафизов фотоси.

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН

Бугун

пойтахт автомобиль паркларига 48 автобус келтирилди. Шу автобусларнинг 18 тасини Липецк машинасозлари тайёрлашган. Бу автобусларнинг кўпчилиги шу ойда ташкил қилинадиган янги рейсларга чиқарилади.

Куни-кеча эса шаҳардаги «Самарқанд» автовокзалидан 30 ўринли автобуслар узоқ рейсларга чиқишди. Бу автобусларни Львов шаҳри машинасозлари сўнгги реконструкция асосида яратишган. Бу эса илгариги автобусларга қараганда қулайлиги билан ажралиб туради.

ОБ-ҲАВО БУГУН КЕЧАСИ 14—16, ЭРТАГА КУНДУЗИ 30—32 ДАРАЖА ИССИҚ БУЛАДИ.

ШАҲАРДА ЯГОНА

«Узмедтехника» бошқармасининг шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли медицина ва хирургия асбоб-ускуналари магазинидан харидорлар хурсанд бўлишмоқда.

Бугун

магазинга Ленинграддаги «Қизил гвардия» Москва ва Харьковдаги «Медикоинструмент» заводларидан турли медицина асбоб-ускуналари ва аппаратлар келтирилди. Бу аппаратлар ичида юракнинг тўғри ишлашини аниқловчи, сиёҳ билан ёзувчи ва фото расмга туширувчи — махсус «Электрокардиограф» деган ноёб аппарат ҳам бор.

ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон кўчаси яқин кунларда янада ўз жамолини очади. Бу ерда етти қаватли муҳташам маъмурий бино қад кўтармоқда. Маъмурий бино қурилишини «Висотстрой»нинг 11-қурилиш трестига қарашли 17-бошқарма коллективи олиб боришяпти.

Муҳташам бино қурилишида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Қорабоев бошчилигидаги бригада аъзолари ғайрат билан меҳнат қилишяпти.

Бугун

сувоқчи ва дурадгорлар бригадаси бинода пардозлаш ва жиҳозлаш ишларини бошлаб юборди. Бу улкан бино келаси йил фойдаланишга топширилади.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ УЧУН

Яқинда Тошкент темир йўл бўлинмаси мутахассисларидан бир группаси илмий-техника командировка билан Свердловск ва Минск шаҳарларида бўлишди. Улар ўз ҳамкасбларининг тепловоз ва вагон ремонтида эришган сўнгги ютуқларини ўрганиб қайтишди. Шу кунларда йўл бўлимида бухгалтер ҳисобини электрлаштириш борасида тўпланган тажрибалар умумлаштирилмоқда.

Бугун

Тошкент тепловоз депоси бошлиғи Х. Файзуллаев, инженер И. С. Дронов, слесарь А. И. Букин ва электр цех бухгалтери П. И. Гусевлар Жмеринка депосига (Винница области, Украина ССР) жўнаб кетишди. Бу ерда ўзбекистонлик темир йўлчилар тепловоз ремонтининг сўнгги, прогрессив методларини ўрганиб қайтишади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ИРЛАНДИЯНИНГ ИЛТИМОСИ

НЬЮ-ЙОРК, 18 август. (ТАСС). Ирландиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакили Корнелиус Кремин кеча хавфсизлик кенгашининг раисига мурожаат қилиб, Шимолий Ирландияда тинчликни сақлаб турмоқ учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинларини юбориш тўғрисидаги масалани қараб чиқмоқ учун кенгашни ошиғич равишда чақиришни илтимос қилди.

АЖНАБИЙ МИССИОНЕРЛАР ҲАЙДАБ ЮБОРИЛСИН

ДЕҲЛИ, 18 август. (ТАСС). Миллий христиан демократик партиянинг съезди барча ажнабий миссионерларни Ҳиндистондан, хусусан унинг чегара районларидан дарҳол ҳайдаб юборишни талаб қилди.

Симлада икки кун давом этган съезд қатнашчилари ўзлари қабул қилган резолюцияда шуни таъкидладиларки, ажнабий миссионерлар Ҳиндистон манфаатларига зид ҳаракат қилмоқдалар, чунки уларнинг ҳозирги вақтдаги асосий мақсади «жосуслик қилишдан, шунингдек ҳинд миллий маданиятига путур етказишдан» иборат.



ЛАОСНИНГ кўпгина фронтларида мамлакат халқ озодлик армияси жангчилари билан америкалик агрессорлар ўртасида шиддатли жанглар давом этмоқда. Душманлар бу урушда жуда катта талафот кўришмоқда, кўплаб техника ва аскарлардан жудо бўлмоқда. Суратда: Лаос батанпарварлари бўлинмаси Америка босқинчилари базасига ҳужум қилмоқда.

ВИА — ТАСС фотоси.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОЛЛЕКТИВ БИЛАН ҲАМНАФАС

Уй-жой тиклаш ишлари бўйича шаҳар қурилиш трестимиз Олмаота шаҳридаги ремонт-қурилиш трести коллективи билан кўп вақтдан буён мусобақалашиб келади. Бирор коллективни мусобақага таклиф этдингми, албатта, ғолиб чиқишликни ўйлар экансан. Бутун диққат-эътибор зиммангга юклатилган ишни тез ва сифатли бажаришга қаратилади, барча резерв ва имкониятлардан фойдаланишга интиласан.

Тадбиркорлик билан қилинган иш ўз самарасини кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Буни трестимиз бинокорларининг сўнгги йиллар мобайнида қўлга киритаётган тажрибасига асосланиб айтаяпман. Бинокорларимиз шонли беш йилликнинг уч ярим йиллиги топширигини 120 процентга етказиб ўринлашди. Биргина шу йилнинг олти ойи мобайнида планга қўшимча бир миллион сўмга яқин қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Трестимиз азаматларининг бупёдкорлик меҳнати тақдирланиб борилмоқда. Иккинчи квартал якунлари эътиборга олиниб, коллективимизга коммунал-маиший хизмат муассасалари ходимлари касаба союз область комитети ва меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи ва биринчи даражали пул мукофоти берилди.

Трестимиз бунёдкорлари эришаётган катта меҳнат зафарларида коммунистларимизнинг ҳам улкан ҳиссаси бўлмоқда. Трестга қарашли саккизта бошқарма ва қурилиш корхоналари комбинатидаги цех бошлангич партия ташкилотларига ўтиз коммунист уюшган. Улар ремонт-қурилиш ишлари олиб борилаётган барча участкаларда олдинги сафларда бормоқдалар.

Партбюромиз ҳар бир коммунистнинг ўз партиявий топшириғини қандай бажараётганини доимо назорат қилиб боради. Бу эса, бизга коммунистлар авангардлик ролини ошириш имконини бермоқда.

Партбюромиз ойлик план асосида иш олиб боради. Йил бошидан буён коммунистларнинг етти марта умум мажлиси ва ўн бир марта бюро аъзолари йиғилишини ўтказдик.

Социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши, меҳнат унумдорлиги, нқтисод ва тежамкорлик, коммунистлар активлигини оширишга бағишлаб ўтказган мажлисларимиз кўпчиликка маъқул бўлди.

Коммунистларимиз рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ишига ҳам бош-қош бўлишмоқда. Айниқса, Р. Е. Унашкин, Ш. Нажимов, Е. Г. Гершилес, З. И. Бернештейн каби коммунистларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари таҳсинга сазовор бўлмоқда. Йил бошидан бери бу жонкуярларнинг тинмай-тинчимаслиги туфайли электродан ортиқ қимматли ихтирочилик таклифлари жорий этилди. Бу таклифлар эвазига трестимиз бўйича 14 минг сўмга яқин маблағ тежаб қолинди.

3-қурилиш бошқармасининг бошлиғи коммунист П. Н. Селезневни трестимиз қурувчилари ишчан раҳбаргина эмас балки, актив рационализатор сифатида ҳам ҳурмат қилишади. Унинг уй-жой биноларини ремонт қилиш ишларини тезроқ тамомлашга қаратилган таклифи катта фойда келтирди.

Коллективимизда 3300 дан ортиқ киши ишлайди. Уларнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Комсомол-ёшларга бўлган раҳбарлик ишини янада яхшилаш, тарбиявий ишларни намунали йўлга қўйиш мақсадида трестимизда комсомол ташкилоти тузилди. Комсомол ишларига раҳбарлик қилиш учун коммунистлар бириктириб қўйилди. Комсомол ишларини яхшилаш юзасидан кўрган тадбирларимиз дастлабки натижаларни кўрсатди.

Коммунистик меҳнат ҳаракатига қўшилган ёшлар сони тобора ортмоқда. Ҳозирги вақтда трест бўйича 218 та бригада аъзолари фидокорона меҳнат қилишяпти. Шундан 67 бригадага Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилган. 71 бригада эса ана шу юксак номни олиш учун курашмоқда. Тўққиз юзга яқини қурувчи Коммунистик меҳнат зарбдори ҳисобланади. Буларнинг кўпчилиги комсомол-ёшлардир.

Коллектив ўртасида тарбиявий ишларни янада яхшилаш, социалистик мусобақа байроғини янада юқори кўтариш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Бу тадбирларни амалга оширишда маъмурият, комсомол ва касаба союз ташкилотлари фаоллик кўрсатмоқдалар. Партбюромиз, унинг атрофига уюшган коммунистлар олдида ҳали кўпгина ҳал бўлмаган вазифалар турибди. Қириш, ремонт ишларимизни янада арзонлаштириш йўлларини излаш лозим. Бунинг учун янги техника воситалари, механизмларни кенг жорий этиш керак бўлади. Лекин ҳар куни белгиланган миқдордаги бетон қоришмаларини тайёрлаш учун 87, 127, 145-автобазалар раҳбарларининг тегишли автомашиналар ажратмаётганлиги ҳам ишни кўнгилдагидай ташкил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ишонамизки, автомобиль хўжаликларининг раҳбарлари камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, уларни бартараф қилиш йўлларини белгилайдилар.

Г. СИГАЛО,
уй-жой тиклаш ишлари бўйича шаҳар қурилиш трести партия ташкилотининг секретари.



Тошкентдаги трикотаж фирмасининг меҳнат аҳли беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш йўлида астойдил меҳнат қилаётир.

СУРАТДА: тўқиш цехининг зарбдор тўқувчиси Ҳури Эргашева. У беш йиллик топшириқни 4 йилда бажаришга аҳд қилган.

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" БОНГ УРАДИ

Корхоналар иши яхшилансин

Шаҳримиздаги бир нечта саноат корхоналарининг коллективлари 1969 йилнинг биринчи ярмида маҳсулотни реализация қилиш топшириғини адо этолмадилар. Масалан, «Ташкентқабель» заводи планда белгиланганидан 5 миллион сўмлик маҳсулотни кам реализация қилди. Ҳўш, ана шу рақам заминида нималар бекиниб ётибди? Завод белгиланган ассортиментдаги маҳсулотлар билан ўз вақтида таъминланмади. 12 хилдаги асосий маҳсулотнинг олти тури бўйича топшириқ орқа йўлда қолди.

Баъзи саноат корхоналари эса аҳоли эҳтиёжлари учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш топшириғини қониқарсиз бажармоқдалар. Бу корхоналар савдо ташкилотлари билан тузилган шартномаларни қўпол равишда бузиб, маҳсулотни реализация қилиш планларини анча қимматбаҳо буюмлар ишлаб чиқариш эвазига адо этмоқдалар. Бунга Тошкент тўқимачилик комбинатини мисол қилиб келтириш мумкин. Комбинатда план тайёр газламалар ҳисобига 100,1 процент бажарилди. Бироқ, пландаги кўзда тутилгандан 550 минг метр сатин, 140 минг метр кўйлак газламалари кам берилди. Корхонада сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамон йўл қўйилмоқда. Бироқ, тайёрланган буюмлар сифатига баҳо беришда уларнинг қандай сортларга тегишли эканлиги унутилмоқда. Истеъмолчилар савдо ташкилотларини эса бу маҳсулотларни паст сорт билан қабул қилиб олмоқдалар. Шундай қилиб, комбинат бўйича ўтган ярим йил ичида 16 минг метр тайёр ип газламаларнинг сорти пасайтирилди. Бу — тайёрланаётган маҳсулот сифатига етарли эътибор берилмаётгани, техника контролининг корхонанинг ҳамма звеноларида етарли назорат ўрнатмаётганлиги оқибатидир. Бу нарса корхона шаънига дог туширяпти. Тўқимачилик комбинати савдо ташкилотлари ва харидорлардан кўплаб рекламациялар олияпти. Ўтган ярим йил ичида комбинат 30 та рекламация олди, 24 минг метр газлама брак қилиниб, 16 минг метр маҳсулотнинг сорти пасайтирилди. Бундан корхона 70 минг сўм зарар кўрди.

Баъзи бир корхоналар эса кўзда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ўзлаштирмаганликлари ва ундан фойдаланмаётганликлари сабабли тайёрлай олмаяптилар. Завод ва фабрикаларда бир неча йиллар мобайнида лойиҳа қувватлари ўзлаштирилмади. Тошкент ёғмой комбинатида 1968 йилнинг январидаёқ йилига 30 минг тонна синтетик қуйилма ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган жиҳоз ўрнатилган эди. Шу йилнинг биринчи ярмида ундан 8 процент ҳажмда фойдаланилди, тайёрланган маҳсулот эса лойиҳа қувватида белгиланганидан 14 минг тонна кам бўлди. Юқорида келтирилган фактлар саноат корхоналарида ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳали етарли эмаслигини яққол кўрсатиб турибди.

Корхоналарнинг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва маъмурияти маҳсулот сифатини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш, ички имкониятлардан фойдаланишни яхши йўлга қўйиш борасидаги ишларни янада кучайтиришлари лозим.

Я. ТОЛСТОНОГ,
инженер-экономист.

● Ташаббус изидан

КОММУНИСТЧАСИГА МЕҲНАТ

Химия - фармацевтика заводининг А. Латипов бўшчилик қилаётган химия цехи коллективи коммунистик меҳнат цехи деган юксак номни беш йилдан буён оқлаб келяпти. Цех коллективи Москвадаги М. В. Фрунзе номли ип-газлама фабрикаси коллективининг доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи кунларигача тежалган хом ашё ва материаллардан маҳсулотлар тайёрлаш тўғрисидаги ташаббусига қўшилди. Улар ўз зиммаларига шонли санани пландан ташқари 500 килограмм рутин ва 800 килограмм фитин ишлаб чиқариш билан қутиб олиш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар.

Оширилган мажбурият олишнинг бошқа шундайки, илғор цехнинг меҳнатчилари юбилей шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. 1969 йилнинг биринчи ярим йиллик плани 104,5 процент қилиб адо этилди. Хомашё тежаб-тергаб сарфлашдан 1300 сўм фойда олинди. Ўтган ойда ҳам яхши ютуқлар қўлга киритилди.

Эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ишчилар август ойида ҳам кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар.

Мана, биз цехнинг қизиқдириш бўлимидамиз. Бу ерда ишлаш қипиқлари уюлиб ётибди. Арзон хом ашёдан химиявий йўл билан кўкун ҳолидаги рутин ва фитин каби қиммат дорилар тайёрланмоқда.

— Мана шулардан, — дейди Аскар Латипов жигарранг шоли қипиғини кафтига олиб, — ревхит ва атеросклероз касалликларига қарши шифобахш этувчи дорилар тайёрлаймиз.

Фитиндан виночиликда ҳам кенг фойдаланилади. Фитин вино таркибини турли ёт моддалардан тозалайди. Бундан ташқари, завод ишлаб чиқаришида фойдаланилгандан сўнг кепак чиндилари қорамолларнинг учун тўйимли озуқадир.

— Бу дорилар ҳам экспорт қилинадими?

— Бўлмаса-чи! Рутинни барча социалистик давлатлар, айниқса, Польша кўплаб харид қилмоқда. Шунингдек, бу маҳсулот жаҳоннинг Ҳиндистон, Бразилия каби 26 мамлакатига экспорт қилинмоқда.

А. Латипов корхонада 7 йилдан буён ишлайди. Бу ерга фармацевтика институтини тугатиб келган. Аввал таблетка цехида бригада бошлиғи, мастер бўлиб ишлади. Сўнгги икки йилдан буён химия цехига бошчилик қиляпти.

Ишлаб чиқариш командири сифатида у ишчилар ўртасида обрў топди. Ҳар бир ишчида вазифасига масъулият билан қараш ҳис-туйғуларини шакллантирди. Ишчилар ўртасида ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун деган шиор қонда бўлганлиги сабабли коллектив яхши ютуқларга эришяпти.

Ўтган ойнинг охирлари да бир воқеа бўлди. Фитин бўлимининг аппаратчиси В. Ҳусанов бетоб бўлиб қолди. Машинани тўхтатиб бўлмайди, чунки ойлик планни албатта бажариш керак.

Бошлиқ аппаратчилардан Бердиали Мирзаев билан Мухтор Муйдиновни чақириб, аҳволни тушунтирди.

— Ҳусановнинг нормасини бажарамиз, — дейишди аппаратчилар.

Улар чарчасалар ҳам ҳар бири икки сменадан ташқари ишлаб, дўстларининг йўқлигини билдиришмади.

Аппаратчи Қория Мўйиндова ҳақида цехдагилар яхши гаплар айтишди. Қория цехда 8 йилдан буён меҳнат қилади. Қўлида ҳеч ҳунари бўлмаган Анвар Нурмуҳамедов ҳам худди шу ерда касб-корли бўлди. 12 йилдики, у завод кучогида. Шу вақт ичида у порошокларга ва қутиларга қоғоз қирқувчи, аппаратчи касбларини яхши ўзлаштириб олди. У ТошДУнинг химия факультетида сиртдан ўқиб, яқинда диплом олди. Яқин дўстлари Анварни сидқидилдан табриклашди. Анвар энди цех мастери бўлиб ишламоқда.

Политехникумда ўқиб ишлаётган М. Бозоров, Н. Гробовец каби кўплаб аппаратчилар ўз ишларига масъулият билан қараётганликлари туфайли цех коллективи ой сайин янгидан-янги ютуқларга эришмоқда.

Химия цехининг ишчилари беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш юзасидан Москва, Ленинград илғор саноат корхоналари коллективларининг ташаббуси изидан бориб, зиммаларига янги оширилган мажбурият олдилар. Улар шу кунларда ана шу юксак мажбуриятни шараф билан адо этиш мақсадида социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар.

А. ПАШКОВА.

ЖОНАЖОН Ватан бўйлаб

ДАШТДА СИНАБ КЎРИЛМОҚДА

ТАЛИМАРЖОН, (Қашқадарё область), (ЎзТАГ). Қурилаётган Қарши каналининг Қарши трассасига экспериментал ер текислайдиган ва бетон ётқизадиган машиналар чиқарилди. Янги механизмлар ер текислашда, сув оқиб кетадиган пастлик жойларга бетон ётқизишда ишлайдиган юзлаб кишиларнинг ва кўпгина ёрдамчи механизмларнинг ўрнини босади. Янги механизмлар ёрдами билан биринчи участкада сув йўли бетонлаштирилди. Бу сув йўлидан секундига 175 куб метргача Амударё суви оқади.

«АМУДАРЁ СОҲИЛЛАРИДА ИЛЬИЧ ЮРИБДИ»

НУКУС, (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон ёзувчилари, композиторлари, рассомлари ва санъат усталари Тахиатош ГРЭси энергетиклари ва гидроузел қурувчилари ҳузурида меҳмон бўлдилар. Улар меҳнатчиларни революция доҳийсининг юбилейига бағишланган янги асарлари билан таништирдилар. Бу учрашув ҳозир автоном республика ижодий союзлари Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига бағишлаб ўтказаётган учрашувлардан биридир. Бу учрашувлар «Амударё соҳилларида Ильич юрибди» деган шиор остида ўтмоқда. Адабиёт ва санъат арбоблари Беруний ва Тўрткўл пахтакорлари, Қўнғирот ва Чимбой шоликорлари, Тахтакўпир яйловларининг чўпонлари ва Мўйноқ балиқчилари билан учрашдилар.

ТОҒДАГИ ДЕНГИЗ

«Нарингидроэнергострой» қурувчилари сув омбори учун жой тайёрлай бошладилар. Тўхтагул ГЭС тўғони қурилиши билан қоқ катта сув омбори вужудга келади. Бўлажак «денгиз»нинг тогдаги узунлиги 64 километр, кенглиги эса 15 километрга боради. Қирғизистонлик қурувчилар икки ярим минг гектардан ортиқроқ майдондаги бутазорларни ва дарахтларни кесиб оладилар. Бўлажак сув омбори зонасидан минглаб уйлар кўчирилади.

(ТАСС).

ҚОЗОҒИСТОН УЗУМИ

Жанубий Қозоғистоннинг ихтисослаштирилган хўжаликларида эрта пишар узумни узиб олишга киришилди. Беш йилликнинг бошидан бери республикада токзорлар 33 процент кўпайди. Ҳозир 12 минг гектардан зиёдроқ ток зор бор. Республика хўжаликлари бу йил шаҳарлар ва саноат марказларига қарийб 7750 тонна узум жўнатади.

(ТАСС).

● Шу кунниг интервьюси

ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА

Яқинда 159-қурилиш трестига «Главташкентстрой» ва қурилиш материаллари саноати ишчилари касаба союз республика комитетининг қўшма Қизил байроғи, шунингдек биринчи пул мукофоти топширилди. Коллектив иккинчи кварталда эришган ютуқлари туфайли бу юксак мукофотга сазовор бўлди. Илғор трест ўзининг юксак мақсадлари сари одим отар экан, ҳамиша шаҳар қурилиш ташкилотлари орасида пешқадам бўлмоқда. Бунга қандай эришилди? Бу ҳақда трест бошқарувчиси Т. Набиев мухбиримизга ҳикоя қилиб берди.

— Трест В. И. Ленин туғилган куни қандай кутиб олмоқда?

— Қурувчилар коллектив В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бўлган социалистик мусобақага қўшилиб, етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари программасини ортиғи билан бажарди. Пландаги 15.638 минг сўм ўрнига қурувчилар ва монтажчилар 15644 минг сўм ўзлаштирдилар. Тўғри, бу унча кўп эмас. Аммо шуни назарда тутиш лозимки, бу йиллик планнинг 60 процентдан кўпрогини ташкил этади.

Трестда фақат 9-қурилиш бошқармаси 7 ойлик планни бажаролмай қолди. 22, 37, 10, 13-қурилиш-монтаж бошқармалари коллективлари яхши натижаларга эришдилар. Биринчи ярим йилда 111 минг сўм планга қўшимча фойда олиш, айниқса бизни мамнун қилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг капитал қурилиши масалаларига бағишланган ҳужжатлари биз бинокорларни янги меҳнат галабаларига чорлайди, меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилиш сифатини яхшилаш имкониятларини кўрсатиб беради.

— Объектларни фойдаланишга топшириш ишлари қандай?

— Объектларни фойдаланишга топшириш тез орада қурилиш ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга тайёрланар эканмиз, трестда саноат ва граждан қурилишлари муддатини қисқартириш проблемаларига катта аҳамият берилмоқда. Барча фойдаланишга топшириладиган объектлар назорат остига олинган. Ўз ерда моддий-техника ресурслари, қурилиш объектлари ҳисобга олинган.

Мен мисол тариқасида «Октябрь» массивида қурилаётган 1000 ўқувчига мўлжалланган мактабни олишим мумкин. У мактабни олдин бошқа трест қурган, сўнгра бизга беришди. 13-қурилиш бошқармаси коллективи уч ой мобайнида янги мактабни фойдаланишга топшириши лозим эди. Бу вазифа жуда оғир эди. Аммо қурувчилар уни ҳал қилиш учун тайратларини аямадилар. Трест қурилишни барча материаллар билан таъминлаш учун имконият яратди. Ҳозир мактаб қурилиши ҳар куни планёрка вақтида муҳокама қилинмоқда, камчиликлар рўй берса, дарҳол уни бартараф қилиш йўллари қидирилмоқда. Биз бу объектни август ойининг охиригача фойдаланишга топшириш учун қурашмоқдамиз.

Бизнинг ширимизда объектни буюртмачига сифатли қилиб топшириш катта роль ўйнайди. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар яхши натижа бермоқда. Трест 15 минг квадрат метр уй-жойни яхши баҳолар билан фойдаланишга топширди. Ундан 4 минг квадрат метри планга қўшимча қурилди. Иккита мактаб (улардан бири планга киритилмаган), иккита 280 ва 140 ўринлик болалар боғчаси қурилди. Ю. Гагарин номли хиёбонда қад кўтарган «Космос» монументини қуришда ҳам трестимиз ишчилари катта гайрат кўрсатишди.

— Йил охиригача қандай режаларингиз бор?

— Режаларимиз жуда катта ва масъулиятли. Шимолий саноат зонасини қуриш, у ерга қурилиш индустрияси корхонасини жамулжам қилиш бизнинг ниятимиз. Айниқса 37 ва 10-қурилиш-монтаж бошқармалари зиммасига катта масъулиятли ишлар юклатилган. Ўлар бир нечта муҳим саноат объектларини қуриб фойдаланишга топшириши лозим.

Маълумки, Шимолий саноат зонасида йилига 500 минг квадрат метр дераза ва шунча эшик блоклари ишлаб чиқарадиган Ўрта Осиёда энг йирик ёғочсозлик комбинати қурилмоқда. Бу йил ишлаб чиқаришга тушириладиган корхона, ҳозирги замон ускуналари билан жиҳозлантирилади. Унинг ёнида керамзит комбинатининг учинчи навбати ва 2-уйсозлик комбинатининг янги цехлари қурилмоқда.

Мен саноат қурилишларини тилга олдим. Бундан ташқари, биз 22 минг квадрат метр уй-жой қуриб фойдаланишга топширишимиз лозим. 13-қурилиш бошқармаси коллективи янги ўқув йилининг бошланишига қадар Собир Раҳимов кўчасида қурилаётган 480 ўқувчига мўлжалланган ишчи-ёшлар мактабини планга қўшимча топшириш ниятида. Шубҳа йўққи, бошқарма бинокорлари ўз сўзларининг устидан чиқади.

— Трестда беш йилликнинг тўртинчи йили қаҳрамонлари маълумдир? Улар кимлар?

— Социалистик мажбуриятни бажаришга коммунистик меҳнат бригадалари ва бу юксак номни олиш учун курашаётган коллективлар катта ҳисса қўшмоқда. Улар ўз сафларига 1000 кишидан ортиқ ишлаб чиқариш илғорларини бирлаштирган. И. Зияев, Х. Орипов, В. Шошин, Ю. Абдуллаев ўртоқлар бошқараётган коммунистик меҳнат бригадалари ҳамиша мусобақа пешқадамлари бўлиб моқда. Улар ва ўнлаб ўз ишини яхши билган зарбдорлар трест муваффақиятларини таъминламоқда.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнат совғалари билан кутиб олаётган қишилар номини айтмоқчиман. 8-қурилиш бошқармасида ғишт терувчи С. Нуримов ва Д. Пўлатов, слесарь Р. Усмонов, 22-қурилиш бошқармасида Х. Олимов, кранчи Б. Мирхонов ва дурадгор И. Ганчаров, 9-қурилиш бошқармасининг бетончиси А. Бутунбоев сингари кўплаб кишилар шулар жумласидандир.

— Трестдаги янгиликлар тўғрисида икки оғиз гапириб берсангиз?

Бу йил трестда ихтисослаштирилган 53-бошқарма тузилди. Бу бошқарма зиммасига саноат объектларини пардозлаш ишлари юклатилади. Бу янгилик ишлар ривожида ижобий роль ўйнайди. Трест реформага тайёрланар экан, планлаштиришни такомиллаштирмоқда. Бу соҳада тайёргарлик ишлари тўла амалга оширилди. Буюртмачи билан ҳисоб-китоб объект тўла фойдаланишга топширилгандан сўнг қилиниши масъулиятни оширади. Бу прогрессив форма 8 ва 13-қурилиш бошқармаларида қўлланиб, анча иқтисодий фойда берди.

Бизда ҳали анча камчиликлар бор. Биз билан боғлиқ бўлмаган, буюртмачи ва лойиҳа ташкилотларига боғлиқ бўлган муаммолар мавжуд. Трест коллективи техника иқтисодий кўрсаткичлари бўйича йиллик қурилиш-монтаж ишлари программасини бажариш учун бутун имкониятларни ишга солади. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олади.



Шаҳар тепловоз депосининг темир йўлчилари ленинча меҳнат вахтасида туриб баракани меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: пешқадам тепловоз машинисти А. Филатов.

М. Нуриддинов фотолари.



СУРАТДА: кўхна Самарқанддаги «Самарқанд» универмаги.

А. Тўраев фотоси.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„ШАҲРИМИЗ ҲАВОСИ"

Шундай сарлавҳа остида газетамизнинг 8 июль сонида босилган мақолада шаҳар ҳавосини тоза ва мўътадил сақлаш учун нималар етишмаётгани, жумладан кўкаламзорлаштириш, кўчатларни эҳтиёт қилиш ва шунга ўхшаш муҳим масалалар кўтарилган эди.

Шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасидан жавоб олинди. Унда бундай дейилади: мақолада кўтарилган айрим масалалар шаҳарни ободонлаштириш учун жавобгар бўлган ташкилотларга ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун ободонлаштириш бош бошқармаси мақолада келтирилган нуқсонларни тугатиш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида ўз қарамоғидаги ташкилотларга тегишли топшириқларни берди.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Сиҳат-саломатлик катта бойлик дир. Шифокорларимиз халқ саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, янгидан-янги даволаш усуллари, турли хил шифобахш дори-дармонлар ихтиро қилишмоқда.

Редакциямизга келаётган кўплаб хатларда газетхонларимиз тиббиёт оламининг турли-туман сирлари билан қизиқаётганликларини ёзадилар, турли саволларга жавоб беришни сўрайдилар.

«Тошкент оқшоми» саҳифаларида «Саломатлик ҳақида суҳбатлар» бериб борилади. Унда газетхонларнинг тиббиётга оид саволларига жавоб берамиз, саломатликни сақлаш ҳақида шифокорларимиз суҳбатларини босамиз.

Қуйида дастлабки саволларга жавоб берилди.

Сўранг, жавоб берамиз.

Бошингиз оғрийдими? Нега?

Ҳурматли редакция! Кўп кишиларда вақти-вақти билан бош оғриш, баъзиларда эса сурункали бош оғриш ҳолларни учраб туради. Бош оғриш касали наслдан наслга ўтадими!

Шу саволимизга жавоб беришингизни сўраймиз.

Т. МИРЗАМАҲМУДОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

З. ХОЛМИРЗАЕВ,

Тошкент электротехника илмий-текшириш институтининг аспиранти.

Организмнинг бошқа қисмларидагидек киши бош миясида ҳам сезувчи нерв толалари бор. Улар асосан мия косасининг ички, юмшоқ ва қаттиқ пардасида ҳамда йирик қон томирларнинг деворларида жойлашган нерв охирлари бўлиб, шу жойларда содир бўлган ўзгаришлардан дарак бериб туради.

Бош оғриғи бир одамнинг ўзида ҳаётнинг турли даврларида турли сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин.

Бош оғришнинг бир тури — мигрень айрим касаллик ҳисобланади. Бу хилдаги бош оғриғи кўпинча хотин-қизларда учрайди. Шуни айтиш керакки, бош оғриш бир оилянинг бир қанча аъзоларида ва бир неча насл бўйича кузатилиши ҳам мумкин.

Мигрень касаллигида бош оғриғи ҳеч вақт бирдан бошланмайди, у узоқ муддат давомида вақти-вақти билан қайталаниб туради.

Чарчаш, хафагарчилик, узоқ вақт офтобда қолиш дим уйда кўпроқ туриш, ўз вақтида овқатланмаслик, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, папирос чекиш мигрень дардини қўзғатувчи сабаблардандир.

Бош оғриғи пайдо бўлаётган ёки зўрайган вақтда, албатта тинч ва қоронғироқ уйга кириб дам олиш керак. Пешонани сочиқ билан қаттиқ тортиб бойлаб, бир пиёла қайноқ, аччиқ, ширин чой ёки кофе ичиш бош оғриғини тез қолдиради. Бу пайтда яна икки курак ўртасига ёки белга 2 та горчичник қўйиш, оёқни 10—15 минут иссиқ сувда тутиш, врач тавсия этган бош оғриғи қолдирадиган дорини ичиш жуда яхши ёрдам беради.

Бош оғримаган вақтда ҳар куни бир-икки марта душда ёки ваннада чўмилиб, нерв системасини мустаҳкамлаш ҳам бош оғришининг қолиб кетишига ёрдам беради.

Энг асосийси кундалик меҳнат, дам олиш, ухлаш ва овқатланиш ўз вақтида ва меъёрида бўлсин. Уйқудан олдин бироз очиқ ҳавода юриш, ичакнинг нормал фаолиятига аҳамият бериш зарур.

М ХЎЖАЕВА,
медицина фанлари кандидати.

Алоэ нима?

Ҳурматли редакция! Менга алоэ ўсимлиги, унинг аҳамияти, қайси касалликларга даво бўлиши ва қандай ўстирилиши жуда қизиқтиради. Шу тўғрида маълумот беришингизни сўрайман.

Ғ. НОРБОЕВ,
Низомий номидаги педагогика институтининг студенти.

Алоэ баландлиги 50—200 сантиметр бўлган кўп йиллик ўт ёки дарахтсимон, доимо яшил бўлиб турадиган ўсимликдир. Унинг анчагина турлари маълум. Алоэнинг ватани асосан Африка бўлиб, хақиқий дарахт сифатида ўсади ва бўйи 10 метргача етади. Ҳиндистонда, Америкада кўп тарқалган. Бизда Кавказ ва Ўрта Осиёда доривор ўсимлик сифатида, шунингдек, хонадон ва оранжереяларда маданий ўсимлик сифатида ўстирилади. Халқ тилида уни «столетник», «тикон гул», илмий медицинада эса «дарахтсимон алоэ» дейилади. Барглари оддий, қалин этли. кўпинча четлари тиканлидир. Хонадонларда алоэни кўпайтириш учун майда шохчаларидан қирқиб олиб, сув тўлдирилган шиша идишга ўтқазилади. Маълум вақтдан сўнг майда ипсимон илдизчалар ҳосил бўлгач, туваклаларга кўчириб парвариш қилинади.

Алоэ таркибида бир қанча антроглизидлар аралашмаси, смоласимон моддалар ва фитонцидлар бор. Шунинг учун ҳам у ичи суриш, ўт ҳайдовчи, иштаҳа ҳамда қувватни яхшиловчи, яллиғланиш ва яраларни тузатувчи хусусиятларга эга.

Алоэнинг дорилик хусусияти қадимги мисрликларга ҳам маълум бўлган. Унинг касал организмга таъсири Диоскорид томонидан синчковланиб ёзилган. Ибн Сино ҳам шундай тасвирлаган. У, алоэни асал ёки шароб билан қўшиб турли касалликларга — лат еган, кўкарган жойга қўйишни, яраланадиган милкни тузатиш учун ишлатишни, тўкилаётган сочга шароб билан қўйилса, унинг тўкилишини тўхтатишни, турли хил шиш ва битишни қийин бўлган яраларга фойда қилишини, иштаҳани яхшилаши, ундан сурги дори сифатида фойдаланишни, меъда касалликлари ва бавосилга даво сифатида фойдаланишни тавсия этган.

Алоэ барги ва ширасидан халқ медицинасида турли яраларни ва ўпка силини даволашга ишлатиб келинган. Бунинг учун қоронғуда сақланган барглардан олинган ширага чўчқа ёки ғоз ёғи, асал, какао порошоги қўшиб озодан беморга берилган.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, алоэдан ҳар ким ўз билганича фойдаланавериши асло мумкин эмас. Уни врач кўрсатмаси ва маслаҳати билангина ишлатиш керак. Чунки алоэнинг таъсири уни қайси ҳолда ва қанча миқдорда қабул қилиш организмнинг ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

С. ФАХРИДДИНОВ,
медицина фанлари кандидати.

Ҳикматлар

◆ Бадан тарбия билан мўътадил ва ўз вақтида шуғулланувчи киши касалликлар даво сига муҳтож бўлмайди.

Абу Али ибн Сино.

◆ Умрим бўйи ақлий ва жисмоний меҳнатни яхши кўраман. кейингиси айниқса хуш ёқади. Жисмоний меҳнатга бирор янгилик киритган, яъни миямни қўл кучим билан бирлаштира олган пайтларимда. айниқса ўзимни мамнун сезаман.

И. П. Павлов.

◆ Беморнинг кўнглини кўтариб қўйиш — унга ярим соғлиқ бахш этишдир.

Қирғиз мақоли.

◆ Касаллик олти сабабдан: жуда кўп суюқлик истеъмол этишдан, тартибсиз овқатланишдан, кундузи ухлаб, тунги уйқусизликдан, сийдик ва ахлатнинг тўхтаб қолишидан пайдо бўлур.

◆ Кимки овқатдан кейин бир жойда ўтирса, қорин — ошкамбадир, кимки овқатлангандан сўнг чўзилиб ётса — ҳузур-ҳаловат қилур; кимки овқатдан кейин юрса,— узоқ умрлидир, кимки овқатланиб чопса,— ўлимга яқинлашур.

Ҳинд ҳикматлари.

◆ Кишининг боши уч сабаб билан оғрийди: кўп ухласа ёки жуда кам ухласа. шунингдек кўп шароб ичса.

Татар мақоли.

◆ Саломатлик қадрин билмас бемор бўлмагунча.

Зебинисо.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

● Африка мамлакатларида

БРАЗЗАВИЛДА ЯНГИ ҚУРИЛИШ

БРАЗЗАВИЛ. (ТАСС). Совет Иттифоқининг ёрдами билан Браззавилда қуриб бўлинган янги тўғруқхонани Конго (Браззавиль) Республикасининг президенти Мариан Нгуаби расман очди.

Юз ўринли янги тўғруқхона Совет Иттифоқининг Конго Республикасига туҳфасидир. Тузилган битимга мувофиқ бу ерда совет медицина ходимлари ишлайди. СССР икки йил мобайнида дори-дармонларни ҳам бепул бериб туради.

ГВИНЕЯДА БИРИНЧИ

КОНАКРИ. (ТАСС). Бу ерда Гвинеяда биринчи бадиий виставка очилди. Халқ саройининг катта залида гвинеялик ҳаваскор рассом Мори Кейтанинг ишлаган расмлари намойиш қилинмоқда.

Мори Кейта Нзерекоре шаҳридаги Таможняда ишлайди. Бўш вақтларида рассомлик билан шуғулланади. У Дакар шаҳридаги рассомчилик курсини битириб чиқди.

Виставкани ташкил қилишда актив қатнашган пойтахт аҳолиси Африканинг халқчил санъатини равнақ топдиришга интилаётган рассом Мори Кейтани қизғин табриклади.

Пекинлик иғвогарлар қораланмоқда

ПАРИЖ. (ТАСС). Кўп йиллар мобайнида кўпчилик коммунистик партиялар ва социалистик мамлакатларга хуруж қилиб келган Хитой раҳбарлари эндиликда сўз билан кифояланмайдиган бўлиб қолдилар. Улар амалий хуруж қилишга ўтмоқдалар,— деб ёзади Жан-Эмиль-Видаль «Юманите» газетасида. Пекинниг СССРга қарши бошлаган «совуқ урушн» деб давом қилади, автор, 1964 йилда Хитой раҳбарлари омма олдида территория даволарини қилиб чиқанларида янада кенг қулоч ёзди. шу билан ўз сиёсатларининг миллатчилик моҳиятини яна бир бор исбот қилди.

Хитой раҳбарлари, деб давом қилади автор, СССР чегарасида доимо кескинлик вазиятини сақлаб туришга ҳаракат қилмоқдалар. Автор Мао Цзэдун мустақил ва суверен мамлакат бўлмиш Монголия Халқ Республикасининг Хитойга қўшилишини бир неча бор талаб қилганлигини ҳам эслатади.

Америка империалистлари, деб ёзади Видаль — шу баёнотларни ҳамда Совет Иттифоқи чегараларида Хитойнинг қуролли иғвогарликларини ошкора қизиқиш билан кузатиб турмоқдалар.

САНТЬЯГО. (ТАСС). Чили Компартиясининг органи «Сигло» газетаси Совет-Хитой чегарасида маочиларнинг қуролли иғвогарликларининг ошкора қораламоқда. «Булар тасодифий ҳодисалар эмас— деб ёзади газета.— Булар Хитой раҳбарларининг олдиндан тайёрланган ҳамда Совет Иттифоқига қарши, буржуазия ҳукмронлигини тарихда биринчи бўлиб ағдарган ва социалистик жамият яратган халққа қарши қаратилган режасининг бир қисмидир».

«Мао Цзе-дун ва унинг тарафдорларининг Ленинга қарши тутган йўли,— деб давом қилади газета— Хитой халқининг эришган социалистик ғалабаларини объектив равишда хавф остига солади, Бонн ва Вашингтон мелитаристларини қувонтиради. Вьетнам халқининг курашига зарар етказади ҳамда жаҳон антиимпериалистик фронтига салбий таъсир кўрсатади».

Пекин раҳбарларининг иғвогарликлари, деб ёзади пировардида «Сигло», барча революцион кучларнинг нафратига учрамоқда.



ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ.

ВДРнинг ғарби-шимолида қадимий бой маданиятга эга бўлган мео элати яшайди. Бу элат ҳам республиканинг барча халқи билан биргаликда Америка агрессорларига қарши зарба бераётир.

СУРАТДА: мео элатилик тўқувчи қиз.



ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Республиканинг қишлоқ меҳнаткашлари бу йил дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир етиштирилган ҳосилни йиғиб олиш уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

СУРАТДА: Потстам яқинидаги хўжаликлардан биридаги ғалла хирмони.

Замбиянинг муҳим қарори

Замбия Республикасида муҳим иқтисодий ислоҳотлар ўтказилажаги эълон қилинди. Замбия президенти Кеннет Каунда ҳукмрон бирлашган миллий мустақиллик партияси миллий кенгашининг мажлисида бу ислоҳотнинг моҳиятини тушунтириб берди. Кеннет Каунда Африкадаги шу мамлакатнинг ҳукумати Замбиядаги минерал ресурсларни, асосан мис рудасига жуда бой бўлган конларни маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёрлашни ўз назоратига олади, деди. Замбия дастлабки тадбир сифатида монополистик компанияларга мустамлакачилик режими даврида-ёқ мамлакатдаги фойдали қазилмаларни «абадий» ишлатиш юзасидан берилган ҳуқуқни бекор қилади. Мамлакатда амалда бўлган ана шу «абадий ҳуқуқ» ўрнига бу конлар чет эл кон-руда компанияларига 25 йил муддат билан ижарага беришади. Бундан ташқари, бу компаниялар ўз акцияларининг 51 процентини Замбия ҳукуматига сотишлари керак. Ҳукумат ўзининг экин майдонларида асли экин экмайдиган мулк эгаларининг ерларини ҳам ҳеч қандай ҳақ тўламай тортиб олиш ниятидадир.

Замбия президенти амалга ошириш учун таклиф этилаётган ислоҳотлар мамлакатнинг чинакам иқтисодий мустақилликка эришувини таъминлашни кўзда тутади, деб таъкидлади.

Замбия амалга ошираётган ислоҳотлар монополияларни жуда асканратиб қўйди. Бу ислоҳотлар. авало, иккита энг йирик халқаро монополиялар — «Роан селекшн траст» ва «Англо американ корпорейшн» монополияларига зарба беради. Англия, Америка ва Жанубий Африка капитали бу монополияларни назорат қилиб турибди. Ана шу йирткичлар Замбия экономикасини бир неча ўн йиллар мобайнида ўз исканжасига олиб, унинг қонини сўриб келдилар ва жуда кўп фойда ундириб олдилар.

Буржуа матбуоти Замбиянинг қарорига тиш-тирноғи билан қарши чиқди. Лондон, Иоганнесбург газеталари Замбия ҳукуматига қаттиқ таҳдид қилмоқдалар, Бу ҳукуматга пўписа қилиб, Замбияга «ҳар қандай ёрдам»ни тўхтатишни ва унга нисбатан иқтисодий бойкот эълон қилишни талаб этмоқдалар.

Ҳамма фактлар монополистик корчалонлар ҳозирги вақтда Замбияга тазйиқ кўрсатиш режаларини ишлаб чиқаётганликларини кўрсатади. Замбияда ишлаётган европалик мутахассислар ана шу корчалонларнинг фармойишига мувофиқ, мамлакат экономикасига путур етказиш мақсадида Замбиянинг ишларига ҳалақит бериш тактикасини қўлланишга уриниб кўражаклари эҳтимолдан узоқ эмас.

Замбия ҳукумати халқаро капиталнинг ҳамлаларини даф қилиш чораларини кўрмоқда. «Биз — деди Замбия президенти,— иқтисодий мустақиллик учун курашда мамлакат ичкарисидаги ва унинг ташқарисидаги реакцион кучларнинг ҳар қандай кирдикорларига зарба бермоқ учун шай бўлиб туришимиз керак».

Е. Егоров, И. Липицкий. В. Астафьев,
(ТАСС).

КАЛИФОРНИЯДА УРУШГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Калифорниядаги Сан-Климент деган жойда АҚШ президенти Никсоннинг ёзги қароргоҳи жойлашган. Худди шу жойда урушга қарши намойиш бўлиб ўтди. Намойишчилар: «Вьетнамдаги урушни тўхтатинглар!», «Америка қўшинларини Жанубий Вьетнамдан уйларига жўнатинглар!» деган шиорларни айтиб ўтдилар. АП агентлигининг Сан-Клименгдан берган хабарида айтилишича, намойиш қатнашчилари: биз Вашингтоннинг Вьетнамдаги смёсатига қарши норозилик билдирмоқчимиз, деб таъкидлаганлар.

Намойишчилар тарқатган варақалардан бирида бундай дейилади: «Бу намойишдан кузатилган мақсад — мамлакатнинг энг хилват жойида ҳам АҚШ президенти Америка халқининг урушга қарши тарқалган кайфиятидан ўзини фориғ тута олмаслигини кўрсатишдан иборат».

● Социализм мамлакатларида

Чехословакия

Банска-бистрицада (марказий Словакия) янги «Тесла» заводи шитоб билан қурилмоқда. 1972 йилда ишга тушириладиган корхонанинг кўпчилик цехлари қад кўтарди. Завод батамом механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. Янги корхона фойдаланишга топширилиши билан Словакия Социалистик Республикасининг ёш радиотехника саноати анча тараққий топади.

Венгрия

Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида суғориладиган ерлар майдони 60 баравардан зиёд кўпайди. Ҳозирги вақтда бундай ерлар 730 минг хольдни ташкил қилади. (Бир хольд 0,57 гектарга баравар). Мамлакатда 57 катта суғориш системаси бор. Бу системаларнинг кўпи нам камчил шарқий областларда жойлашган. Бош шарқ канали шу иншоотларнинг энг каттаси бўлиб, Тисса дарёсининг суви неча ўн минг хольд чанқоқ ерларга оқади.

Суғориш тармоқларини ривожлантириш программаси 1985 йилга бориб, мамлакатда суғориладиган майдонларни 2 миллион хольдга етказишлишини кўзда тутади.

ВДР

Вьетнам меҳнаткашлар партияси билан ҳукуматнинг қарорига биноан ҳозир ВДРда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативининг янги устави жорий қилинмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатда деҳқон оилаларининг 94 процента кооператив аъзолари бўлиб, ернинг 92 процента кооперативларга қарашлидир. 23 минг қишлоқ хўжалик кооперативларидан салкам 80 процента олий типдаги кооперативлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативининг янги устави Вьетнам Демократик Республикасида эришилган социалистик муваффақиятларни мустаҳкамлаб, республика олдида турган вазифаларни ҳал этилиш йўлларини равшан кўрсатиб беради. ВДР президенти Хо Ши Мин янги уставнинг аҳамияти тўғрисида гапирар экан, уставнинг мақсади — кооператив аъзоларининг ҳақиқий демократик ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кучайтириш, деҳқонларнинг моддий ҳаёти яхшиланишига эришишдан иборат эканлигини уқдириб ўтди. Шу билан, деб таъкидлади президент, кооперативлар Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши, ватанни қутқариш учун қурашининг ғалабасига ҳамда социалистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўша оладилар.

ЭРНСТ ТЕЛЬМАН ВАСИЯТЛАРИГА САДОҚАТ

БЕРЛИН, (ТАСС). Германия Демократик Республикасида чиқадиган газеталарнинг таъкидлаб ёзишича, немис ишчилар синфининг йўлбошчиси, оташин интернационалчи-революционер, социализм иши учун курашчи Эрнст Тельманнинг васиятлари немис ишчи ва деҳқонларининг давлатида рўёбга чиқарилди. Эрнст Тельман бундан 25 йил муқаддам фашист қотиллар қўли билан ўлдирилган эди.

Германия Демократик Республикасида немис халқининг ҳаммз улуг тараққийпарвар ғояларни революцион немис ишчилар ҳаракати курашининг мақсадларни ҳақиқатга айлантирилмоқда, деб ёзади «Нойес дойчланд» газетаси ўзининг бош мақоласида. Биз тарихий юбилей — Германия Демократик Республикасининг 20 йиллиги шарафига қилаётган ишларимиз билан Тельман васиятларига содиқ эканлигимизни исбот қилмоқдамиз.

Касаба союз газетаси —«Трибюне»нинг таъкидлаб ёзишича, Эрнст Тельманнинг фаолиятида ватанпарварлик билан интернационализм бир-бирига пайванд бўлиб кетган эди. Оташин интернационалчи бўлган Эрнст Тельман, деб ёзади газета, Совет Иттифоқи билан ўзини яқиндан алоқада деб ҳис қилар эди. Газета Тельманнинг: Совет Иттифоқида пролетариат диктатурасига муносабат халқаро ишчилар ҳаракатининг ҳал қилувчи масаласидир, деган сўзларини эслатиб ўтади.


Берлинда, Карл Маркс — Штадтда ва республиканинг бошқа шаҳарларида Эрнст Тельман хотирасига бағишланган маъракалар ўтказилмоқда. Шу кунларда минглаб йигит ва қизлар Э. Тельман нутқ сўзлаган ва революцион иш олиб борган жойларни зиёрат қилмоқдалар, немис ишчилар ҳаракатининг ветеранлари билан учрашмоқдалар. Ветеранлар немис ишчиларининг Герман реакциясига қарши, фашизмга қарши меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва озодлиги учун олиб борган кураши ҳақида гапириб бермоқдалар.

Немис меҳнаткашларининг йўлбошчиси хотирасини ҳурматлаб эсга олмоқ учун Веймарга келган Ғарбий Германия ишчилари Германия Федератив Республикасида бош кўтараётган нацизмнинг хавфи кучайиб бораётганлигини айтиб бердилар ва Тельман нацизмга қарши кескин, муросасиз кураш олиб борганлигини эслатиб ўтдилар. Улар барча демократик кучларнинг нацизмга ва национал демократик партияга қарши кураш олиб боруви энг ягона фронтини тузиш зарурлигини айтдилар.

ЁШЛАРНИНГ НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ


САНТЬЯГО. (ТАСС). Чилидаги Арика. Антофагаста, Копьяпо ва Токопилья шаҳарларининг бир неча минг йигит-қизлари мамлакатнинг энг катта мис кони маркази — Чукикаматага норозилик юришн ўтказдилар. Улар табиий бойликни, аввало Чили мисини дарҳол национализация қилишни, маориф эҳтиёжларига ажратиладиган маблағларни кўпайтиришни ҳамда Антофагаста вилоятида олий ўқув юрти очишни талаб қилдилар.

Юришни коммунистик ёшлар союзи, социалистик ва радикал партияларнинг ёшлар ташкилотлари, шунингдек меҳнаткашлар ягона халқ ҳаракати ва ягона касаба союз маркази уюштирди.



СУРАТДА: Руминияда урушдан кейин қурилган Лудуш электростанцияси.

Аджерпресс—ТАСС фотоси.



Банцен шаҳари немис халқи тарихий архитектура ёдгорликларининг музей шаҳри ҳисобланади. Шу ерда жуда кўп тарихий қаср. ибодатхоналар мавжуд.

Хожи Аҳмар

Чешма

Қисса

— Ойхон...

— Ойхон, Ойхон... Эсимда йўқ... Э-э, келсинлар, келсинлар!

Кейинги гапни Семиз эшикда пайдо бўлган ва менга «бир минутга чиқиб кет» деб, ишора қилаётган студентга қарата айтади.

Коридорга чиқаман.

— Бўкиб қолдиларми?

Студент мийиғида жилмаяди.

— У ёқда ўзимизнинг «матч» қараб турипти. Чорак соатдан кейин кутаман...

Студент кетади. Мен қайтиб жойимга ўтираман.

— Бу новча йигит нечук «асб»га индамаяпти? Ёки фарзинга чиқиб олиб кейин йиқмоқчими? А, лаббай?— Семиз менга гарди эълон қилиб, сўзида давом этади.— Афсус... Қани навбат ўзларидан. Энди ҳалиги Ойхон воқеасини эшитсак. Афти-башарангиздан кўриб турибманки, воқеа бизникидан ҳам кулгилироқ. А, лаббай? Ҳа, ҳа, ҳа!

— Ҳа, кулгили,— дейман мен истеҳзо билан. Буни Семиз пайқамади, шекилли:

— Қани, бошланг Бир кулишиб олайлик. Ҳангама-да!, —дейди.

Поезд гулдурос солиб осма кўприкдан ўтади.

Тепловоз гудоги узоқларга таралади.

Ойхонни мен кекса аммам ҳовлисида учратганман. У бизнинг купедаги қизга ўхшаш озгин, ўрта бўй аёл эди. Аммам улар яқинда кўчиб келишгани, унинг ўн яшар ўғли ва эри борлигини сўзлаб берди.

Танишишнинг боши бундай бўлди.

Мен борган кун аммамлар бошқа қариндошларникига тўйга кетишаётган экан. Улар хизмат қилиб туриш учун вақтлироқ йўлга чиқишди ва менга ҳам вазифа юклашди: мен кечгача уй пойлашим, қўни-қўшнилар йиғилгандан кейин ўша тўйга уларни бошлаб боришим керак эди. Аммам кетиш олдида Ойхонни ҳам таклиф қилди. Лекин у «тағин хўжайин бир нима деб юрмасинлар, жавоб берсалар кейинингиздан етиб бораман», деб кулди.

Дарҳақиқат, кечга яқин бир гала хотин-халаж йиғилиб келди. Уларни кўриб бир ҳуркиб тушдим: ҳаммалари ясан-тусан, аммо бошларида томдек-томдек дастурхон: аввал уларнинг қайси бирига ёрдам бераман деб бош қотса, кейин уларни етаклаб кўчада юриш...

Ойхон буни сезиб турган экан шекилли, менга тушунганмаю кулди. Бир қадар тинчландим. У борса хотинлардан олдин ё кейинроқ ўтиб олиш мумкин. Лекин жўнаш учун Ойхон албатта «хўжайин»дан ижозат олиши шарт. Ундан бўлса ҳамон дарак йўқ.

Ниҳоят «хўжайин» келди. Кўриб ўзим очилиб қолди: унинг ёши олтмишлардан ошган, елкаси чиқиқ калта соқол чол. Бизларга хўмрайиб қараб ичкари кириб кетди. Кейинидан Ойхон кирди.

Биз бу ёқда кутиб ўтирибмиз. У ёқда, кулбада гўнғир-гўнғир гап давом этиб турипти. Ниҳоят Ойхон эшикни, назаримда, сал зарда билан очди. Енимизга келди, пешонасини артиб, даστрўмолини сумкасига соларкан, табассум қилди.

— «Тўйга борсанг, қайтиб уйга оёқ босма!» дедилар, —деди у кулиб турганича. Кўзларидаги ҳазин ифодани ва лаблари чеккасидаги ажинларни шу ерда биринчи марта кўрдим.

— Сиз нима дедингиз?

— Қайтмасам қайтмай қўяқоламан дедим!— яна кулди Ойхон.

Йўлда кетар эканмиз, менинг диққатимни яна бир нарса жалб этди: ҳамроҳларимизнинг бошларида катта дастурхон. Лекин Ойхон йўлда чиройли даста гул олди.

...Шундан бошлаб у билан яқинроқдан танишишга қарор қилдим. Хаёлда бу, ҳали ёши энди ўттиз-ўттиз бирларга борган жувоннинг тақдирига алоқадор бўлган анча саволлар туғилди. Бу саволлардан бири эса —унинг «хўжайин»—олтмиш яшар жиккак чолга бориб тақалди.

Шунинг учун ҳам эртаси кун ўша чол билан танишишга, қўйнига бир қўл солиб кўришга қарор қилдим. Бу қарорни амалга оширишдан олдинроқ поччам—бобойдан Ойхон ва унинг эри хусусида унча-мунча гапларни сўраб олдим.

Билсам, Ойхон педагогика институтида ўқиб, кундузи мактабда бошланғич синфларга дарс берар экан. Бу ҳам одек, баъзи-баъзида артелдан иш олиб уйда тикаркан. Унинг чол эри эса... ҳеч ерда ишламайди, уйда ётади, газета ўқийди, таъбига тўғри келмаса кўчага, чойхонага чиқиб кетади.

Ойхон бирон иш қилмоқчи бўлса ундан албатта ижозат олиши керак. Бу яна ҳам қизиқроқ!..

Шундай қилиб эртаси чол билан танишиб олишга қарор қилдим. Ойхон ҳали ишдан қайтмаган эди: чол эшик ёнига, узум тагига қўйилган тахта сўрида ўтирар, ахён-ахёнда унинг «Аҳрор! Аҳрор!» деб бақириб қўйгани эшитиларди. (Аҳрор ўша ўн яшар ўғилчанинг исми).

Мен аста қўл қовуштириб, унинг олдига бордим:

— Ассалому алайкум!

— Э-э, келсинлар мулла, —чол ўтиришга таклиф қилди. У сариқ галифэ шим, жиккакқина гавдасини қоплаб тушган кенг тўр майкада ўтирарди. Мен келишим билан «Аҳрор!»— деб бақирди ва оқ кителини олиб чиқишни буюрди. Кителини елкага ташлаб олгач, менга дадилроқ ўтирилди. Калтагина чўқи қи соқолини, бир вақтлар учи қайтарма мўйловини силаб қўйган бўлди, хирагина, лекин ҳали ҳам унча-мунчани «салобати босадиган» кўзларини менга тикди. Бу кўзларда кишини синаш ёки унга зеҳн солиш ифодаси эмас, балки суҳбатдошни ўз салобатига бир «бостириб» олиш истаги кўринар эди. Мен бунисездим-да, унинг тикилиб турган кўзларига дош беролмагандек у ёқ-бу ёққа аланглаган бўлдим. Назаримда чол бундан мамнун бўлди.

— Оббо мулла-эй, шундай қилиб ўқиб ётибсиз? Ҳа, баракалла! Қани чекинг,— чол ёнимга арзон папирос ва икки газетани суриб қўйди.— Бутунги газеталарни кўриб чиқдингизми? Мана бу ерда бир қизиқ фильятони бор экан,—кейин у «Аҳрор!» деб чақириб қўйди.

Эшикдан Аҳрорнинг пирпираган киприклари кўринди.

— Сув қайнаган бўлса, гўштни солиб юбор!— Аҳрор яна эшик орқасида ғойиб бўлди.

Чол:

— Шундай қилиб...— деб эндигина оғиз очган эди, уйда нимадир тарақлаб кетди. У қўлида варақлаб ўтирган китобчани ташлаб, дарҳол ерга тушди. Эски этикдан қирқиб қилинган кавушини оёғига наридан-бери илиб, уйга кирди. Уйда гўнғир-гўнғир гап бошланиш бир неча минут давом этди. Сўнг эшикда кўз ёшини ютолмай қичиллаган Аҳрор кўринди. У хўрсина-хўрсина ҳовлидан ташқарига чиқиб кетди.

Чол эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек келиб жойига ўтирди.

— Каттагина бўлак гўштни мушук болага олдириб юборибди, аблаҳ... Биз ҳам бир вақтлар сиз ўқиб турган шаҳарларга қатнаб турардик. Ҳа... Биз ҳам...

Шу вақт ҳовли эшигида Аҳрорни етаклаган Ойхон кўринди:

—...Билсанг, ҳамма азобни мен сен учун тортиб келяпман. Бу араз нимаси!...— деди у оёқ тираб эўрга келаётган Аҳрорни уйга олиб кирар экан.

Чолнинг кўзлари асабий пирилларди. туриб аста уйга кирди. Хонада яна ғўнғир-ғўнғир гап бошланди. Бир оздан кейин этикни йўлакай апил-тапил кийиб, чол зарда билан кўча эшикка йўл олди-да давом этди у.

— Ишлайдиларми?

— Қаёқда дейсиз...— Ойхон гул тикаётган кўйлагидан бош кўтариб, менга бир зум тикилди; кейинги гапларни айтишга тараддудланди шекилли:— Ишга кирсалар, уч-тўрт ойда бўшаб келаверадилар. Бу кишида мўроса деган гап йўқ.

— Сизга қийин экан!

— Қийин?..— аввалги табассум билан давом этди Ойхон.

—Тағинам бу яхши бўлиб қолганлари-ку. Илгари қандай эди денг. Ҳеч одамга қўшмас эдилар-да! Икки йил институтда ўқидим. Икки йил қулоғим тинмади. Ахир ўқишни ташлашга мажбур бўлдим. Ҳозир институтнинг тўртинчи курсига ўтибманки, ҳали-ҳали хархаша қиладилар.

Ниҳоят мен яна ҳам эҳтиётроқ бўлиб, асосий мақсадга кўчаман.

—Бу «ичкари»га тушиб қолганингизга кўп бўлганми?

— Ҳа... Анча бўлди.

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

(Давоми. Боши газетанинг 190, 191, 192, 193-сонларида).

БИР ОЧКО ҚИЙМАТИ

(ФУТБОЛ ШАРҲЛОВЧИНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИ)

Мамлакатимиз стадионларида давом этаётган футбол мусобақаларининг энг қизғин дамлари бошланди. Футболчиларда баҳордаги ва ёзнинг дастлабки ойларидаги учрашувлардан кейин ўзларининг спорт формаларини тиклаб олдилар. Ҳар бир ўтказилган ўйин чиройли комбинациялар билан, ўзининг «сермаҳсул»лиги билан ишқибозлар олқишига сазовор бўлмоқда. Футбол шинавандаларини ниҳоят даражада зериктириб юборадиган ўйин ва 0:0 ҳисоблари энди ликда ортда қолди. Томошабинларнинг «Г-О-Л!» деган галаба қичқириқлари стадионларни ларзага келтирмоқда.

Бу йил қайси команда чемпион бўлади! Москванинг «Спартак» футболчиларими ёки Киевнинг «Динамо» коллективими! «Олтинлик»да биринчи ва иккинчи ўрин учун курашаётган «Пахтакор» олий лигасининг чемпионатининг олтин медали учун курашадиган кучли командаларни сафига қайта олармикан! Ана шу саволлар ишқибозлар фикр-ўйини қамраб олган. Навбатдаги тур мусобақалари бўлиб ўтган кунининг эртасига ҳамма жойда—трамвайда, автобусда, газета киоскаларида, ичкиналар олдида, ишхоналарда, тўрт-беш ёшлар тўпланган ерда худди мана шу гаплар суҳбат темаси бўлмоқда.

Дарҳақиқат, ким чемпион бўлади! Спартакчиларининг сунгги учрашувларда кўрсатган техник ва тактик жиҳатдан етук ўйинлари, ҳамжиҳатлик билан галаба сари интилишлари, ҳар бир матчда кўпроқ туп киритишга бўлган иштиёқлари чемпионликка асосий даъвогар эканликларидан далолат бериб турибди. Украина пойтахти футболчилари ҳам анойи эмас. Ҳали бирор марта мағлубиятга учрамаган, массум бошлангандан бери ўз дарвозасига атиган 3 та тўп ўтказиб юборган «Динамо» командаси бу йил ҳам мамлакатимизда энг кучли команда эканлигини намойиш қилмоқда. Динамочилар учун «ўз майдони», «рақиблар майдони» деган иборалар ёт нарса. Қайси команда билан учрашмасин, ҳимоя усулини қўлламайди, аксинча, ўз олдига, албатта, икки очкони қўлга киритишни вазифа қилиб қўяди. Ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам ҳамжиҳатлик билан ўйнайди. Ҳозирча динамочилар турнир жадвалининг иккинчи ўрнида бормоқдалар. Афтидан, қайси команда биринчи ўринни эгаллашини мавсумнинг охирги ўйинлари ёки «Спартак»—«Динамо» [Киев] ўртасидаги иккита матч ҳал қилса керак.

Хўш, «Олтинлик»да нима бўлаяпти! Бу йилги футбол системаси чемпионатнинг дастлабки босқичида икки группадан охирги уч ўринни эгаллаган командаларни чемпионлик учун курашдан ҳам оғирроқ имтиҳондан ўтишга маҳкум қилди. Команда олтита, «А» классининг 1-группасидан жой олиш ҳуқуқини берадиган ўрин эса атиги иккита. Шуни эътироф этиш керакки, «Олтинлик»даги командаларнинг кучи Куйбишевнинг «Крилья Советов» коллективини ҳисобга олмаганда деярли тенг. Ереванниг «Арарат», Олмаотанинг «Қайрат». Москванинг «Локомотив» командалари ўйинларини бир неча марталаб кўрганмиз. «Пахтакор» ёш коллективларининг футболчилари билан кўп йиллардан бери куч синашиб келган, кўпроқ улар устидан ғалабага ҳам эришган, мағлубиятга ҳам учраган.

«Уралмаш» командасига келганимизда эса, у олий лигада янги команда. Ўтказган ўйинларини кўрмаганимиз учун бирор нарса дейиш амри маҳол. Аммо, бу тезкор команда чемпионатнинг дастлабки ўйинларини жуда яхши, кўтаринки рухда ўтказганлигини, ўз майдонида Киевнинг динамочилари, Москванинг армиячилари билан бўлган учрашувларни дуранг қилганини, нефтчини мағлубиятга учратганини яхши биламиз. Шундай бўлгач, свердловскник футболчилардан ҳар қандай «нохушлик»ни кутиш мумкин.

«Пахтакор» дастлабки уч учрашувни рақиблар майдонида ўтказди. «Локомотив»га 0:1 ҳисобида ютқазган бўлса-да, кейинги икки ўйинни анча ҳамжиҳатлик билан ўтказди. Куйбишев шаҳрида ўтказилган иккита матчда учта очко қўлга киритилди. Иккита тўпни В. Бектошев киритиб «бомбардирлар рўйхати»дан мустаҳкам ўрин эгаллаган бўлса, бир тўпни команда ветерани Г. Красницкий нишонга туширди. Узгалар майдонидаги бу ўйинлар натижаси қувончли. Аммо...

Ҳа, ана шу «аммо» муаммоси ишқибозларни ранжитаяпти. Аввало, «Пахтакор»ни «Олтинлик»ка улоқтирган масала ҳақида фикр юритайлик. Маълумки, командамиз Москвада ва Минскдаги сўнгги ўйинлардан аввал ўз майдонида ҳал қилувчи учрашувлар ўтказди. Футболчиларимиз ана шу пайтда бутун имкониятини ишга солиб очколар сонини кўпайтиришлари лозим эди. Афсуски, майдонда бунинг аксини кўрдик. «Шахтёр» билан ўйинда масъулиятсиз С. Мелкумовнинг 11 метрлик жарима тўпини нишонга уролмаганн, «Локомотив»» дарвозаси бир марта ҳам ишғол қилинмагани муҳим икки очконинг қўлдан бой берилишига олиб келди. Қайси команда «Олтинлик»да бўлиши лозимлиги ҳақидаги масала ҳал қилинаётган пайтда худди ана шу очколар етишмай қолди.

Минск шаҳрида маҳаллий динамочилар билан пахтакорчилар ўртасида ўтказилган ўйин кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Ёдидан чиқиши ҳам мумкин эмас. Чунки, ана шу учрашувдаги қўлдан бой берилган бир очко «Пахтакор»га жуда қимматга тушди. Ўйин тамом бўлишига 6 минут қолганда 2:1 ҳисобида ютуққа эришиб турган футболчиларимиз дарвозасига тўп киритилди. Бу, ҳужумчини ҳимоячи билан алмаштириш натижасида, аниқроғи ҳисобни сақлаб қоламиз, деб ҳимоя тактикасига берилиш оқибатида юз берди.

«Пахтакор» сафардан уч очко билан қайтиб келди. Яхши! Лекин, Куйбишев шаҳрида ўтказилган ўйин футболчиларимизда «эски касаллик» ҳали давом этаётганини кўрсатди. 87 минут давомида ютуққа эришиб турган командамиз яна ҳимояга ўтиб олиб, майдон эгаларига ҳисобни тенглаштириш имкониятини бердилар. Натижада бир очкодан маҳрум бўлинди. Ана шу бир очко «А» классининг иккинчи группасида қоладиганлар тақдири ҳал қилинаётган пайтда эътиборга олмасмикан!!

Ҳамшаҳар ишқибозларимиз сентябрь ойини «Пахтакор» учун очколар тўплаш ойи деб ҳисобламоқдалар. Чунки, командамиз ана шу ойда ўз майдонида тўртта учрашув ўтказади. Кўпчилик командамизнинг 7—8 очко олишига умид боғлаган. Бунга тўла асос борлиги ишқибозларга ҳам аён. «Пахтакор» ўз майдонида ҳужум тактикасини қўллашини неча марталаб кўрганмиз.

Севимли командамиз «Пахтакор» оғир имтиҳондан шараф билан ўтиб, яна кучлилар сафига қайтишига ва ишқибозлар ишончини ўзининг чиройли ўйинлари, қувончли ютуқлари билан қозонишини кутамиз.

«Пахтакор»га ҳамиша омад тилаймиз.

А. АБДУМАЖИДОВ.



ҲИМОЯЧИ ЭПЧИЛЛИК ҚИЛДИ...
Н. Надеждин фотоэтюди.

ҚИЗИҚ ГАПЛАР

Бир минут ичида ер юзида нима воқеалар содир бўлади?

Бир минут ичида ер юзида 114 чақалоқ дунёга келади, бундан олтитаси эгизаклардир.

Бир минут ичида ер юзида 68 никоҳ тўйи ўтказилади.

Шу муддат ичида жаҳон бўйлаб бир минутда тўрт минг тонна озиқ-овқат ва 2,900,000 литр ҳар хил суюқликларни истеъмол қиладилар.

Одам бир кунда йигирма минг, бир йил мобайнида эса етти миллион марта қадам босади.

Одамлар эса бутун жаҳон бўйлаб бир минутда ўттиз минг тонна озиқ-овқат ва 2,900,000 литр ҳар хил суюқликларни истеъмол қиладилар.

Одам бир кунда йигирма минг, бир йил мобайнида эса етти миллион марта қадам босади.

Одам етмиш ёшга тўлгунча ер юзини экватор бўйлаб тўққиз марта айланадиган ёки ойга бориб келадиган масофани босиб ўтади.

Жаҳон миқёсида фақат Япониядагина болалар ҳам чап, ҳам ўнг қўлда ёзишга ўргатилади.



РАДИО

20 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,00 «Мактаблар янги ўқув йилига» (русча). 18,10 Б. Квернадзе. «Хореографик поэма». 18,40 Спорт эшиттириши (русча). 19,20 Татар куйлари. 20,00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20,30 Саноат ҳодимлари учун концерт. 21,00 Халқаро мавзуларда суҳбат. 21,10 Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22,20 Тожикистон ССР да хизмат кўрсатган артист А. Абдураупов куйлайди. 22,40 «Шеърият кечаси» (Ўзбекча). 23,15 Куйлар тинглаб, дам оламиз.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 Ўзбек балетларидан куйлар. 19,30 Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарларидан (русча). 20,20 Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. 20,30 Корейс куйлари. 21,00 «Қардош халқлар адабиёти». Арман ёзувчиси А. Сироснинг «Мамэ ва Аше» номли ҳикояси (Ўзбекча). 21,40 Москва.

ТЕЛЕВИЗОР

20 август

ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси. 18,35 Рус тилида телевизион янгиликлар.

Ўзбек тилида: 18,45 Ленинча меҳнат вахтасида.

19,00 Вокал-чолғу ансамбли. нинг концерти. 19,40 Телевизион янгиликлар. 19,55 Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Беш йиллик йўлларидан. 20,30 Рангли телевидение программаси. 21,30 «О дан 1 гача». Ҳужжатли фильм. 22,00 Бутуниттифоқ телевизион фильмлар учинчи фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Уг. рюм-река». Телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси. 23,30 «Вақт» информацион программаси. 00,15 Интервидение. Музикали календарь саҳифалари. 00,45 Москва кўрсатувлари. нинг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18,30 Кўрсатувлар программаси. 18,35 Болалар учун. «Ҳайвонот оламига саёҳат» (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 18,50 «Айиқча Римцимцим». Қўғирчоқ фильм. 19,30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлигимиз экранда». 20,10 Томошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт.

Ўзбек тилида: 20,50 «Ўзбексельмаш» маркаси — жаҳон маркаси даражасида». 21,10 «Ней наволари». Концерт. 21,50 «Тог қасоскорлари». Бадиий фильм. нинг биринчи серияси.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20,00 «Оддий инсон». Бадиий фильм. 21,35 «Оқ қушлар қаерга учиб келади». Ҳужжатли фильм. 21,45 Телеспектакль. 22,35 Фильм-концерт.

21 август

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18,30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18,35 Телевизион янгиликлар. 18,50 Болалар учун учун эшиттириш. 19,20 Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 19,30 Муқимий номидаги Давлат музикали драма театрининг «Қалам қошлигим» спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида телевизион янгиликлар ва «Янгил саноатнинг янги гиганти» деган эшиттириш.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

22,00 Бутуниттифоқ телевизион фильмлар учинчи фестивали мукофотига сазовор бўлган фильмлар. «Угрюм-река» Телевизион бадиий фильмнинг иккинчи сериси. 23,20 «Вақт» информацион программаси. 23,30 Телепереклична. 00,15 Рангли телевидение программаси. Музей ва виставка залари бўйлаб. 01,15 Интервидение. Сопотда халқаро қўшиқ фестивали. Польшадан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида велоспорт бўйича жаҳон биринчилиги кундалиги. 03,50 Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КЎРСАТАДИ

12,55 Кўрсатувлар программаси. 13,00 Янгиликлар. 13,15 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Юлдузча порлайди» 13,45 «Пионерия» телевизион агентлиги. 14,15 Бадиий ҳаваскорлар концерти. 15,15 «Сенга, ёшлик!» 15,45 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

18,00 Дўстлик экрани. Душанба телестудиясининг кўрсатувлари.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20,00 Ўқувчилар учун. «Ленин сафдошлари». 20,30 Ўқувчилар учун. «Чарм тўп» мунофоти учун. 21,00 Рангли телевидение программаси. «Ҳайвонот оламида».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 22,00 «Қизлар» Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Узбек тилида: 20,00 «Ян Фабрициус». Телефильм.

Рус тилида: 20,20 «Чўлдаги хутор». Телеспектакль.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —21|VIII да Бой ила хизматчи, 22|VIII да Парвона.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21|VIII да Гули сиёҳ, 22|VIII да Тошболта ошиқ.

Кино

20 августда
ҚИШКИ БИНОДА

Қизларни ўғирлаш —«ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кечқуруни).

Улкан совғи серенадаси — САНЪАТ САРОЙИ (кечқуруни).

Бомбай тун огушида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Тайга ҳўжайини — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Аниччка — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Райк болалари — «ДРУЖБА» (кеч соат 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Қизларни ўғирлаш — «ФЕСТИВАЛЬ».

Аниччка — «ХЕВА».

Килиманджаро қорлари — ТЕЛЬМАН номли.

21 августда
ҚИШКИ БИНОДА

Қизларни ўғирлаш— «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруни).

Аниччка — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Ҳўжумкор бўл — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Тайга ҳўжайини — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни).

Улкан совғи серенадаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруни).

Райк болалари — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12 ва кеч 8 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10,40 минутда бошланади)

Қизларни ўғирлаш — «ФЕСТИВАЛЬ».

Аниччка — «ХЕВА».

Килиманджаро қорлари — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ «ЮЛДУЗ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИГА

тикувчи-моторчилар, қўлда тикувчилар, қўлда ва лентали машинада несувчилар, терувчилар, печатчилар, водопроводчи-слесарлар, газ-электр пайвандчилар, юқорида кўрсатилган касбларга шогирдлар, ёрдамчи ишчилар, болалар муассасалари учун тарбиячилар ва энагалар

КЕРАК

Фирма қошида кечки мактаб. Тошкент политехника техникуми филиали. Олий ўқув юртига кирувчилар учун тайёрлов курслари мавжуд, шунингдек фирмада камида икки йил ишлаган турли касбдаги ишчиларга олий ўқув юртларида ўқиш учун йўлланмалар берилади.

Болалар комбинати ва лслилари мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Малясов кўчаси, 2-уй, кадрлар бўлими (2-трамвай, 2, 8, 9, 11, 18, 19, 20, 21, 49, 56-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 20 АВГУСТ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15-уй Редакция телефонлари Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22, партия советва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат транспорт; қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579

НАШР 2829.

Р. 03234